# ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

бошқа ускуналар, иш жойлари, турар жой бинолари, болалар ва даволаш-профилактика муассасалари, ўқув юртлари, маданият, спорт ва бошқа муассасалар бинолари, шунингдек транспорт воситалари санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқ сақлаб турилиши ва улардан фойдаланилишини таъминлашлари шарт.

13-модда. **Кимёвий моддалар, биология воситалари ва улардан тайёрланган материалларни қўлланишга, зарарсизлантиришга, қайта ишлашга, кўмиб ташлашга қўйиладиган талаблар**

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар кимёвий моддаларни, биология воситалари ва улардан тайёрланган материалларни сақлаш, қўлланиш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш чоғида санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлайдиган санитария нормалари, қоидалари ҳамда гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

Янги кимёвий моддалар, биология воситалари, улардан тайёрланган материаллар, минерал ўғитлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган дори-дармонлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари, полимер ва пластик масалалар, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини, бошқа кимёвий ва биологик воситаларни қўлланишга улар заҳарлилиги ва гигиенаси жиҳатидан баҳоланганидан, гигиена нормативлари белгиланганидан кейингина ва Ўзбекистон Республикасининг бош давлат санитария врачи рухсати билангина йўл қўйилади.

14-модда. **Радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги талаблар**

Давлат бошқаруви идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, меҳнат жамоалари ва айрим шахслар радиоактив моддалар ва бошқа ион ҳосил қилувчи нурланиш манбалари билан ишлаганда радиация хавфсизлиги нормалари ва санитария қоидаларига, шунингдек радиоактив моддалар ва бошқа ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш чоғида стандартларга, техника шартларига ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига риоя қилишлари шарт.

15-модда. **Турар жой биноларига одам қўйиш ва уларда яшаш тартиби**

Яшаш учун турар жой биноларини берадиган вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, бошқа эгалар ана шу биноларга одам қўйиш чоғида амалдаги санитария нормаларини бажаришлари шарт.

Амалдаги гигиена нормативларига жавоб бермайдиган турар жой биноларига одам қўйишга ва уларда яшашга йўл қўйилмайди, уйларда яшовчилар турар жой биноларини сақлаш ва улардан фойдаланишнинг маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари тасдиқланган қоидаларини бажаришлари шарт.

16-модда. **Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлаш ва сотишга қўйиладиган санитария талаблари**

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёси ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, ташиш, сотиш билан шуғулланувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар тиббиёт-биология талабларига, санитария нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этишлари шарт.

Янги озуқа қўшимчаларини, махсус қўшиладиган биологик актив моддаларни, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини, шунингдек озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари бевосита солиб қўйиладиган идишларнинг янги турларини қўлланишга улар заҳарлилиги ва гигиенаси жиҳатидан баҳоланганидан кейингина ва Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитария врачининг рухсати билан йўл қўйилади.

17-модда. **Хўжалик-ичимлик сув таъминотига ҳамда аҳоли маданий-маиший мақсадларда сувдан фойдаланадиган жойларга қўйиладиган санитария талаблари**

Давлат идоралари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар хўжалик-ичимлик сув таъминотининг марказлаштирилган тизимлари етказиб берадиган сувнинг сифати гигиена талабларига ва давлат стандартларига мос бўлишини таъминлашлари шарт.

Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар ҳавзалардаги сувнинг, шунингдек марказлаштирилмаган тартибда таъминланадиган сувнинг сифати тегишли санитария нормалари ва қоидаларига мос бўлишини таъминлашлари шарт.

Марказлаштирилган тартибда хўжалик-ичимлик сув етказиб берадиган сув қувурлари ва уларнинг манбалари учун сувнинг тегишли сифатига эга бўлишини таъминлайдиган махсус тартиблар ўрнатилган санитария муҳофазаси майдони белгилаб қўйилади.

Сув қувурларнинг, улар сув оладиган манбаларнинг санитария муҳофазаси майдонлари, шунингдек санитария тартиботи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан тасдиқланади.

18-модда. **Чет эллардан сотиб олинадиган маҳсулотни етказиб бериш ва сотишга қўйиладиган талаблар**

Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар чет эллардан сотиб олинадиган технологиялар, материаллар, хом ашё ва маҳсулотларни етказиб бериш, сотиш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган санитария нормаларига, қоидаларига ва гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

19-модда. **Тарбиялашга, ўқитишга ва ишлаб чиқариш амалиётига қўйиладиган талаблар**

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактабларда, хунар-техника билим юртларида, бошқа ўқув муассасаларида ва корхоналарда болалар ва ўсмирларни тарбиялаш, уларни ўқитиш, ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш, уларни санитария-маиший жиҳатидан таъминлаш, овқатлантириш ва дам олдириш шартларини белгилайдиган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини таъминлашлари шарт.

20-модда. **Тиббий кўрикдан ўтишнинг мажбурийлиги**

Юқумли ва паразитар касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик, касб касалликларига ва заҳарланишларнинг, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида корхоналарнинг ходимлари олдиндан ҳамда вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерациясининг кенгаши билан келишган ҳолда белгиланади.

21-модда. **Касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш соҳасидаги мажбуриятлар**

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларнинг раҳбарлари ва алоҳида шахслар юқумли, паразитар ва бошқа оммавий касалликлар, шу жумладан радиация омили билан боғлиқ бўлган касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг, шунингдек улар келиб чиққан тақдирда уларни йўқотиш чораларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашлари шарт.

Юқумли, паразитар, оммавий касалликлар келиб чиқиш ва тарқалиш хавфи туғилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари бош давлат санитария врачларининг тақдимига мувофиқ белгиланган тартибда тегишли ҳудудларда ишлаш, ўқиш, ҳаракатланиш ва одам ва юк ташишнинг алоҳида шартлари ва тартибини жорий қилишлари мумкин.

Карантин-ташкилий тадбирларни жорий этиш, юқумли касалликка чалинган беморларни касалхоналарга ётқизиш, юқумли ва паразитар касалликлар ўчоғларида профилактика тадбирларини, профилактика мақсадида эмлаш ишларини амалга ошириш тартиби ва муддатларини тегишли ҳудудларнинг ҳокимият идоралари ёки бош давлат санитария врачлари белгилайдилар.

22-модда. **Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва ташкилотларнинг махсус экспертизаларни амалга ошириш соҳасидаги мажбуриятлари**

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, бошқа муассаса ва ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражасини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва алоҳида шахслар саломатлиги ва касалланиш ҳолатини махсус экспертиза қилишнинг санитария-гигиена, тиббий, биологик, техникавий, социологик ва бошқа турларини, шунингдек лойиҳа, техника ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни, ускуналарни, асбобларни ва аппаратларни, кимёвий моддаларни, турли бирикмаларни, материалларни ва муҳитларни, озиқ-овқат хом ашёсини ва овқатларини, болалар учун саноат буюмларини, радиоактив моддаларни, радиация техникасини экспертиза қилишлари ҳамда тиббий иммунобиология дори-дармонлари устидан давлат назоратини амалга оширишлари шарт.

Мазкур экспертизалар ва тиббий иммунобиологик дори-дармонларни назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг бош давлат санитария врачи йўлланмаси билан буюртмачининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, бошқа муассасалар ва ташкилотлар экспертизалар тўғри ўтказилиши учун жавобгардирлар.

## IV бўлим. САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ВА ТЕКШИРУВИ

23-модда. **Санитария назорати ва текширувини амалга оширувчи идоралар ва муассасалар тизими**

Ўзбекистон Республикасининг давлат санитария-эпидемиология хизмати қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан давлат санитария назоратини амалга оширади.

Давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари, муассасалари ва мансабдор шахслари қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санитария-эпидемиология хизмати идоралари ва муассасалари фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик қиладилар, уни уйғунлаштириб ва текшириб борадилар.

Санитария милицияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасдиқлаган Низомга мувофиқ санитария текширувини амалга оширади.

24-модда. **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар**

Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат санитария врачи ва унинг ўринбосарлари, вилоятлар, шаҳарлар, ноҳиялар бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

25-модда. **Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар фаолиятининг асосий кафолатлари**

Давлат санитария врачлари ва давлат санитария назоратини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига амал қиладилар.

26-модда. **Давлат санитария назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятга аралашишга йўл қўйиб бўлмаслиги**

Бегона ташкилотларнинг давлат санитария назорати идораларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида уларнинг ишига аралашиши, давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларга бирон-бир йўл билан таъсир кўрсатиши таъқиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

27-модда. **Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитария врачининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасининг бош давлат санитария врачи қуйидаги ваколатларга эга:

давлат санитария эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қилади, давлат санитария назоратини амалга оширишнинг асосий вазифаларини, устивор йўналишларини белгилайди;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри, бош давлат санитария врачларини тайинлайди;

санитария-эпидемиология хизмати муассасалари раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқади;

атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир республика норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди, мувофиқлаштиради ва нашр этади;

янги кимёвий моддалар, биологик воситалар ва технологияларни қўлланишга рухсатномалар беради;

одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган яшаш, қишлоқ хўжалигини ва бошқа хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

ҳудудларни карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

авария вазиятларини йўқотиш чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш юзасидан мувaққат санитария нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади;

республика ва маҳаллий эпидемияга қарши жамғармалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган моддий ва техникавий имкониятлардан оқилона фойдаланишини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг бош давлат санитария врачи Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланади.

28-модда. **Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат санитария врачининг ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикасининг бош давлат санитария врачи санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг қонунларига амал қилади.

29-модда. **Вилоят ҳудудлари ва Тошкент шаҳри бош давлат санитария врачларининг ваколатлари**

Вилоят ҳудудлари ва Тошкент шаҳрининг бош давлат санитария врачлари қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

ўз ҳудудларидаги санитария-эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қиладилар;

халқ хўжалиги объектларини қуриш ва қайта қуриш лойиҳалари юзасидан хулосалар берадилар;

санитария эпидемия жиҳатидан хотиржамлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Олий Кенгаш қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг қарорлари асосида ва уларни бажариш юзасидан ҳужжатлар чиқарадилар;

одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавфли бўлган, аҳолининг яшаши, қишлоқ хўжалигини, бошқа хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайдилар;

вилоят ва шаҳар ҳудудларига карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини амалга оширадилар;

авария вазиятларини йўқотиш чоғида амалдаги санитария нормалари ва қоидалари асосида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикасининг бош санитария врачи билан келишган ҳолда шаҳарлар ва ноҳияларнинг бош давлат санитария врачларини тайинлайдилар.

30-модда. **Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари**

Давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларга уларнинг ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

Давлат бошқаруви идораларида, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалардан, шунингдек алоҳида шахслардан санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилишига барҳам беришни талаб қилиш;

объектлар қуриш ва уларни қайта қуриш лойиҳаларида санитария нормаларига, қоидаларига ва гигиена нормативларига риоя этилишини назорат қилиш;

вазирликлар, идоралар, корхоналар ва алоҳида шахсларга белгиланган тартибда:

аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари, халқ хўжалиги объектларини жойлаштиришнинг истиқбол режалари бўйича;

қурилиш учун ер участкалари бериш, аҳоли сувдан фойдаланадиган жойларни ва оқава сувлар тозаланганидан кейин уларни тушириб юбориш шартларини аниқлаш, шунингдек заҳарли, кимёвий, радиоактив ва бошқа моддаларни қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш масалалари бўйича;

корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш, қайта қуриш лойиҳалари бўйича хулосалар бериш;

турар жой бинолари ҳамда маданий-маиший бинолар, саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар, шунингдек иншоотларнинг амалдаги санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги ҳақида хулосалар бериш;

болалар ва ўсмирлар муассасаларида тарбияланаётган ҳамда ўқув юртларида таълим олаётган болаларнинг ўқув-меҳнат соатлари ва тахминий машғулот тартиби ҳақида тақдим этишган таклифлар юзасидан хулосалар бериш;

қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, илмий тадқиқот муассасалари, лабораториялар, олий ўқув юртларини ҳамда бошқа муассасалар ва ташкилотларни махсус экспертизалар ўтказишга жалб этиш;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бажарилишини назорат қилиш мақсадида исталган вақтда хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларга тўсқинликсиз кириш;

қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларнинг раҳбарларидан ва алоҳида шахслардан:

санитария нормаларини, қоидаларини, эпидемияга қарши тартиботни мунтазам суратда бажармаётган ва ишлаб чиқаришнинг ҳамда бажарилаётган ишларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахсларни ишдан четлаштиришни;

атрофдагилар учун хавфли бўлган юқумли ва паразитар касаллик билан оғриган беморларни касалхонага ётқизишни;

профилактика ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишни;

объектларнинг санитария ҳолатини аниқлаш ҳамда аҳоли саломатлигининг ҳолатини эпидемиология жиҳатдан таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришларни беришни талаб қилишга эгадирлар;

гигиена экспертизалари, лаборатория тадқиқотлари ўтказиш учун озиқ-овқат маҳсулотларини, буюмларни, предметлар ва материалларни олиш, шунингдек бевосита объектларнинг ўзида, лабораторияда ва асбоблар ёрдамида зарур текширишлар ўтказиш;

санитария назоратини амалга оширишга бошқа идоралар ва муассасаларнинг мутахассисларини шартнома асосида, жамоатчилик вакилларини жалб этиш.

31-модда. **Бош давлат санитария врачлари ва улар ўринбосарларининг ҳуқуқлари**

Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари санитария қонунлари бузилган тақдирда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

ер участкаси, уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш ва бошқа халқ хўжалиги объектлари қурилишига, уларни қайта қуриш, кенгайтиришга доир бўлган, санитария нормаларига ва қоидаларига жавоб бермайдиган лойиҳалаш ҳақидаги ҳужжатларни ва лойиҳаларни қайтариш;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилишига барҳам берилгунга қадар амалдаги ишлаб чиқариш объектларида, маданий-маиший бинолардан фойдаланишни, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаблар, даволаш-профилактика ҳамда санаторий-курорт муассасаларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш, ускуналар, асбоблар ва гидротехника иншоотларини ишлатишни, шунингдек бошқа ишларни амалга оширишни тақиқлаб қўйиш;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилган тақдирда аҳоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар қурилишини, уларни қайта қуришни ҳамда мазкур объектларда айрим иш турларини амалга оширишни тўхтатиб қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатдан ўтказилмаган ёки одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли деб топилган янги хом ашё турларини, кимёвий моддаларни, технология ускуналарини, жараёнларини ва асбобларини, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсини, саноат буюмларини, қурилиш материалларини, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини, биология воситаларини, озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар тегиб турадиган идишлар, ўров материаллари, пластик, полимер ва бошқа материалларни, улардан тайёрланган буюмларни ва бошқа халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни, қўллашни ва сотишни тақиқлаб қўйиш;

хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш чоғида кимёвий моддаларни қўллашни, одамлар саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиш хавфи туғилган тақдирда қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган ва тартибга соладиган дориларни, пестицидларни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини қўллашни бу моддалар ва материалларни ишлаб чиқувчи уларнинг хавфли эмаслиги ҳақида илмий асосланган маълумотларни тақдим этгунигача таъқиқлаб қўйиш;

сув истеъмол учун яроқсиз деб топилган тақдирда ундан ичиш ва хўжалик мақсадларида таъминлаш учун фойдаланишни тақиқлаб қўйиш;

санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузаётган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириш.

32-модда. **Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари қўллайдиган маъмурий жавобгарлик чоралари**

Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари санитария қонунлари, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилган, давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларнинг кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, шу жумладан қуйидаги миқдорларда жарима солиш ҳуқуқига эгадирлар:

мансабдор шахсларга — кўпи билан икки ойлик даромади миқдорида;

ишлаётганларга — кўпи билан бир ойлик даромади миқдорида;

ишламаётганларга — кўпи билан 50 сўм миқдорида.

Маъмурий жарима пуллари вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг эпидемияга қарши жамғармаларига тушади.

33-модда. **Бош давлат санитария врачлари ва ўринбосарларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш**

Бош давлат санитария врачлари ва ўринбосарларининг маъмурий жазо чораларини қўллаш соҳасидаги хатти-ҳаракатлари устидан бир ойлик муддат ичида юқори лавозимдаги бош давлат санитария врачига, шахс яшайдиган ёки объект жойлашган ердаги халқ судига ёхуд прокуратурага шикоят бериш мумкин. Маъмурий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоят берилиши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Маъмурий жазо белгилаш ҳақидаги қарорлар устидан шикоят берилиши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Маъмурий жазо белгилаш ҳақидаги қарорлар устидан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларида назарда тутилган тартибда шикоят берилади.

34-модда. **Санитария назоратини амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология хизматини маблағ билан таъминлаш**

Санитария назоратини амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология муассасалари республика, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг бюджетларидан марказлашган тартибда молиявий таъминланадилар.

## V бўлим. САНИТАРИЯ ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

35-модда. **Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарлик**

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, мансабдор ва бошқа шахслар қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиладилар:

а) тупроқни, атмосфера ҳавосини, озиқ-овқат маҳсулотларини, иш олиб бориладиган жой ҳавосини, сув билан таъминлашнинг очиқ ва ерости манбаларини, аҳоли томонидан маданий-маиший мақсадларда фойдаланиладиган сув ҳавзалари ҳамда сув омборларининг қирғоқларини кимёвий, жисмоний, биологик ва бошқача тарзда ифлослантирганлик учун;

б) аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишни, санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация хавфсизлигини таъминлашга қаратилган санитария нормаларига, қоидаларига ва нормативларига риоя этмаган ҳолда норматив-техникавий ҳужжатларни ишлаб чиққанлик учун;

в) янги хом ашё турларини, технология ускуналарини, жараёнлари ва асбобларини, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини, саноат буюмларини, бинокорлик материалларини, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини, кимёвий моддалар ва маҳсулотларни, биология воситаларини, озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат моллари ва дори-дармонлар бевосита тегиб турадиган идишлар, ўров материаллари, полимер ва бошқа материалларни, бу материаллардан тайёрланадиган буюмларни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини ҳамда бошқа халқ истеъмоли молларини, тиббиёт ва иммунобиология дори-дармонларини ишлаб чиқариш ва қўлланишга доир норматив-техника ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи билан келишмаган ҳолда ишлаб чиққанлик учун;

г) корхоналар, бинолар ва иншоотларни, транспорт воситаларини, сув таъминоти, канализация ва оқава сувларни тозалаш тизимларини, гидротехника иншоотларини, бошқа объектларни санитария нормаларига, қоидалари ва нормативларига риоя этмаган ҳолда ва давлат санитария назорати идоралари билан келишмасдан туриб лойиҳалаганлик, қурганлик, қайта қурганлик учун;

д) ер участкасидан давлат санитария назорати идоралари билан келишмасдан туриб янги қурилиш, объектларни қайта қуриш, кенгайтириш учун фойдаланганлик учун;

е) давлат санитария назорати идораларининг рухсатисиз объектларни қабул қилиб олганлик ва фойдаланишга топширганлик учун;

ж) озиқ-овқат хом ашёси ва маҳсулотлари сифатига қўйиладиган талабларга риоя этмаганлик, таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган радионуклидлар, заҳарли, биологик, кимёвий ва бошқа моддалар ва бирикмалар белгиланган гигиена нормативларидан юқори бўлган маҳсулотларни овқатга ишлатганлик учун;

з) озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш чоғида санитария нормалари, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузганлик учун;

и) қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларининг ўсишини тезлаштирадиган моддаларни, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини, озиқ-овқат хом ашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига ва дори-дармонларга тегиб турадиган идишлар, полимер ва бошқа материалларни, ҳайвонлар овқатига қўшиб бериладиган озиқ моддаларни давлат санитария назорати идораларининг рухсатисиз қўлланганлик учун;

к) чет элдан олинадиган технологиялар, материаллар, хом ашё ва маҳсулотларни етказиб беришда, сотишда ва улардан фойдаланишда санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузганлик учун;

л) хўжалик-ичимлик сув таъминоти марказлаштирилган тизимлари орқали берилаётган сувнинг сифати гигиена талабларига ва сувнинг давлат стандартларига мос келмаслиги учун;

м) марказлаштирилмаган тартибда сув билан таъминлашда, сув ҳавзаларида сувнинг сифати санитария нормалари ва талабларига мос келишини таъминламаганлик учун;

н) аҳоли пунктлари ва ҳудудларини сақлашнинг, саноат, қишлоқ хўжалик ва хўжалик рўзғор-чиқитларини, шу жумладан радиоактив ва заҳарли моддаларни тўплаш, сақлаш, ташиш ва қайта ишлашнинг санитария қоидаларини бузганлик учун;

о) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини бузганлик учун;

п) болалар ва ўсмирлар муассасаларида, ҳунар-техника билим юртларида ва бошқа муассасалар ҳамда корхоналарда тарбиялаш, таълим бериш, ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш ва ижтимоий фойдали ишлар билан шуғулланиш шарт-шароитларини тартибга солувчи санитария нормалари, қоидалари ва нормативларига риоя этмаганлик учун;

р) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасаларида санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тартибларга риоя этмаслик учун;

с) радиоактив моддалар, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбалари билан ишлашда, шунингдек радиоактив чиқитларни кўмиб ташлаш чоғида радиация хавфсизлиги нормалари ва санитария қоидаларини бузганлик учун;

т) юқумли, паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва уларни тугатиш чора-тадбирларини бажармаганлик учун;

у) давлат санитария-эпидемиология идоралари ва муассасаларининг йўлланмалари билан санитария-гигиена, тиббий, биологик, техникавий, социологик ва бошқа махсус экспертизалар ўтказишдан асоссиз бош тортганлик учун;

ф) гигиена нормативлари санитария қоидаларига риоя этмаганлик орқасида фуқаролар саломатлиги ёмонлашгани учун;

х) тиббий кўриклардан ўтмаган ёки саломатлиги туфайли меҳнатга яроқсиз деб топилган шахсларга ишлашга рухсат берганлик учун;

ц) айрим тоифадаги фуқаролар мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаганлиги ёки кўрикдан ўтиш муддатларини бузганлиги учун;

ч) давлат санитария назоратини амалга оширувчи идоралар ва муассасаларнинг кўрсатмаларини, хулосаларини ҳамда қарорларини бажармаганлик учун;

ш) объектдаги санитария гигиена ҳолатини, эпидемия вазиятини ва радиация ҳолатини аниқлаш учун зарур бўлган материалларни беришдан бош тортганлик учун;

э) давлат санитария назоратини амалга оширувчи идоралар ва муассасалар томонидан ёпиб қўйилган объектларда муҳрларни узиб ташлаганлик ва ишни қайта бошлаганлик учун;

ю) ишчи ва хизматчиларнинг айрим тоифалари, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг қонунларда белгиланган тартибда мажбурий гигиена таълимидан ўтмаганлиги учун.

Маъмурий жазо чоралари қўллангандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган, шунингдек одамларнинг ҳалок бўлишига, гуруҳ бўлиб ёхуд оммавий тарзда касалланишига, заҳарланишига сабаб бўлган, аҳолининг саломатлигига катта зарар етказган хатти-ҳаракатлар учун айбдорлар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар.

36-модда. **Санитария нормалари, қоидаларини бузиш натижасида келтирилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, санитария қонунларини бузишда айбдор бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар саломатлигини йўқотиши, шикастланганларни даволаш ва уларнинг саломатлигини тиклаш, даволаш-профилактика тадбирларига, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишга қилинадиган харажатларни Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ тўлашлари шарт.

## VI бўлим. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

37-модда. **Халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

**Ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз.**

**Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитети.**

**Телефонлар: 39-82-66, 39-82-69.**

